

БАНК АЖУРОЧНОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармон ва тадбиркорлар газетаси

№ 11, 1995 й.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви Раиси
ФАЙЗУЛЛА МАҚСУДЖОНОВИЧ МУЛЛАЖОНОВ билан суҳбат

- Файзулла Мақсуджонович, Марказий банк мамлакатимизда иқтисодий-молиявий мувозанатни ушлаб турувчи асосий муассаса ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида унинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида, пулнинг қадрини ошириш учун айти кунлардаги тадбирлари тўғрисида гапириб берсангиз.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўрни жуда катта. Бу ўринда мустақил мамлакатимизнинг банк тизимида амалга оширилган айрим муҳим тадбирларга эътиборни қаратмоқчиман. Умуман, мустақилликка эришганимизнинг 4 йиллик тарихий даврида банк соҳасини ривожлантириш, пул муомаласини яхшилаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда чуқур ижобий силжишлар рўй берди. Банк соҳасининг вакили сифатида, айниқса, миллий валюта - сўмнинг барқарорлиги ва соғлом молия-банк тизимининг шаклланиши кишини қувонтиради.

Мамлакатимизда пул муомалаларини бир маромга солиш, истеъмол бозорини тўлдириш ва экспортни кўпайтиришга қаратилган катта чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўмнинг барқарор муомалада бўлишига замин яратди. Мазкур жараён кўп жиҳатдан иқтисодий вазиятнинг барқарорлашуви, пулнинг қадрсизланиши бир мунча пасайишига олиб келди.

Миллий валютага ўтиш иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичларидан бири сифатида биздан мўтадил чекланган кредит сиёсатини амалга оширишни талаб этди. Пул массасини ҳаддан ташқари чеклаш охир-оқибатда иқтисодий ўпирилишларга ва ижтимоий тангликка олиб келишини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа республикалар мисолида кўрдик. Шу туфайли ҳам Марказий банк ўз фаолиятида пулнинг қадрсизланишига қарши йўналтирилган пул-кредит сиёсатини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан мувофиқлаштириб ва узвий боғлаб олган тақдирдагина бу сиёсат муваффақиятли амалга ошади, деган таъминот асосланади.

Шу боисдан, Марказий банк пул массаси ўсишининг аниқ мақсадга қаратилган йўналишларини белгилаб, кредитларни қисқартириш чораларини кўрди. Бу тадбирлар ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун қатъийлаштирилган пул-кре-

дит сиёсати олиб борилди. Пулнинг қадрсизланишини пасайтириш мақсадида Марказий банк сўмнинг қадрини ошириш, харид қувватини мустаҳкамлаш ва пул эмиссиясини қисқартириш учун марказлаштирилган ресурслар ажратишни кескин камайтириб, уларни ҳукуматимиз қарорларига кўра стратегик соҳаларга йўналтирмоқда. Реал фоиз ставкаларини шакллантириш билан эса хўжаликларни кредитлардан ва ўз маблағларидан самарали фойдаланишга мажбур этмоқда.

Қатъий молия ва пул-кредит сиёсати 1995 йилдан бошлаб мантиқий чуқурлашиб бораётди. Шу сабабли пул муомаласида ижобий натижалар кўзга яққол ташланаётди. Хусусан, пулнинг қадрсизланиши даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Жумладан, пулнинг ойлик қадрсизланиши даражасини январь ойидаги 17,8 фоиздан июль ойида 0,1 фоизгача туширишга эришилди.

Юртбошимиз И. А. Каримов шу йил май ойида Халқаро Валюта жамғармаси раҳбари М. Камдессюни қабул қилганда у республикаимиз порлоқ келажагига ишонч билдириш билан бирга сўмнинг истиқболи ҳақида шундай деди: "Республика раҳбарияти танлаган ислохотлар йўли ғоят тўғри йўлдир ва Ўзбекистон халқи ўтиш даври қийинчиликларини муваффақият билан енгиб, XXI асрда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига аминман. Ўз навбатида Халқаро Валюта жамғармаси бу йўлда Ўзбекистонга кўмак беришга тайёр". Шу сингари кўплаб хорижлик мутахассисларнинг бундай фикр-мулоҳазалари Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банк иқтисодий ислохотлар йўлидан тўғри бораётганини яна бир бор намоён этди.

Шу кундаги энг муҳим вазифалардан бири сўмни ички бозорда эркин айирбошланидиган валюталар қаторига қўшишни тўла таъминлашдир. Бизнинг бу борадаги изланишларимиз шуни кўрсатадики, фақат мавжуд олтин - валюта захиралари ҳамда халқаро ташкилотларнинг кредитларигагина таяниб, сўмнинг ички эркин айирбошланишига ва иқтисодий ўсишига эришиш қийин. Шунинг учун биз импорт ўрнини босувчи тармоқларни қўллаш ва шу тариқа эркин айирбошланидиган валютага бўлган катта талабни камайтирдик.

Жумладан, мамлакатимизнинг нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш-ни кескин кўпайтириш ва деҳқонларимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини берди. Акс ҳолда ҳукумат ва Марказий банкнинг валюта захиралари нефть ва донни зарур миқдорда чет мамлакатлардан олиб

Давоми 2-бетда

АФН МАА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ: УСТАВ ФОНДИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

Республикада устав сармоясининг энг кам миқдори янги ташкил этилаётган тижорат банклари учун 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмга, хусусий ва кооператив банклар учун 3 миллион сўмдан 5 миллион сўмга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви 1995 йил 23 сентябрда шундай қарор қабул қилди. Ишлаб турган банклар ўз сармояларини 1996 йил 1 январгача кўпайтириб олишлари керак.

МАА Тошкент шаҳри.

ВЕКСЕЛ ИШЛАМОҚДА

Наманган вилояти Янгикўрғон туманидаги "Искавот" жамоа хўжалигида муддатли тўловлар билан боғлиқ муаммо муваффақиятли ҳал этилди. Баъзан ўрим-йиғим олдидан ёнилги-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун шўшилий равишда пул керак бўлади, ҳолбуки бўш маблағ бўлмайди. Хўжалик бошқаруви "Пахтабанк" республика иқтисослаштирилган ҳиссдорлик-тижорат банкига мурожаат қилиб, кредит беришни сўради. Банк мутахассисларининг тавсиясига кўра жамоа хўжалиги раҳбарияти уч ойда қайтариш шарти билан 158 минг сўмлик вексел олди. Вексел берилиши бежиз эмас эди. Банк ходимлари ўтказган молиявий аҳвол таҳрири ҳосил йиғиб оlinиб, пахта давлатга топширилганидан кейин жамоа хўжалиги ҳисобварағига зарур маблағлар тушишини ва у вексел бўйича тўла ҳисоб-китоб қила олишини кўрсатди. Вексел билан эса ёнилги ёки зарур техника ва унинг эҳтиёт қисмлари учун ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Ҳозирга қадар "Пахтабанк" 100 миллион сўмлик вексел чиқарди. Шулардан 40 миллион сўмлик сотилди, 60 миллион сўмлик эса вексел кредити қилиб берилди. Ана шу эмиссия ёрдамида республика пахтачилик хўжаликлари дебиторлик-кредиторлик қарзини 1 миллиард сўмликдан зиёд камайтирди.

И.ШАРОПОВ
(МАА) Тошкент шаҳри

"МЕВАСАБЗАВОТБАНК" ХАЛҚАРО МАЙДОНГА ЧИҚМОҚДА

"Ўзмеvasабзавотбанк" ҳиссдорлик-тижорат банки шу йил 24 июлда Марказий банкдан чет эл валютасида операциялар бажариш учун 25-сонли бош рухсатнома (лицензия) олган эди. Шундан сўнг у Россиядаги энг катта банклар - Инновация тижорат банки ва "Тверь-универсалбанк" билан вакиллик муносабатлари ўрнатди. Уларда рубль ва валюта ҳисобварақлари очилган. Бу банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали янги ва консерванланган мева-сабзавот маҳсулотлари учун тўловлар ўтказилади. Ҳозир бундай маҳсулотлар Ўзбекистондан Шарқий ва Ғарбий Сибирга, Узоқ Шарққа кўплаб етказиб берилган бўлади. Ҳисоб-китоблар "Спринг" халқаро алоқа тизими бўйича 15 дақиқада амалга оширилади.

Банк бошқаруви раиси Ўткир Музаффаровнинг маълум қилишича, ҳозир яқин ва узоқ хориждаги бир қан-

Бу сонда:

3-бет

Банк назоратидан
кўзланган мақсад

4-бет

Банкрот бўлишнинг
олдини олиш

5-бет

Қимматли қоғозлар
бозори ҳақида

6-7-бетлар

Францияда банк
хизмати

7-бет

Банк хизматчисининг
одоби

8-бет

Ташкилий ахлоқ
синови

Иловада:

Ўзбекистон
республикасида нақд
пулсиз ҳисоб-китоб
юритиш қоидалари

ча банклар, хусусан "Казкоммерцбанк", Украина миллий банки, Белоруссия деҳқончилик-саноат банки, шунингдек Туркиянинг Зироат банки, Олмониядаги "Дойчебанк" ва Америкадаги бир қанча банклар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Амалда шу йил бошидан буён ишлаётган "Ўзмеvasабзавотбанк", барча вилоятларда ўз бўлинмаларини очди. Йилнинг биринчи ярмини 5 миллион сўм фойда билан яқунлади. Банкнинг устав сармояси 10 миллион сўмга етди. "Ўзмеvasабзавотбанк" июль ойида жами 10 миллион сўмлик биринчи вексел эмиссиясини амалга оширди, бу эса мева-сабзавот тармоғи тизимидаги дебиторлик қарзини 50 миллион сўм камайтириш имконини берди. Яна 50 миллион сўмлик векселлар чиқарилди.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Боши 1-бетда

келишига сарфланган бўлур эди.

- Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш қай тарзда кечмоқда ва у пул муомаласига қандай таъсир кўрсатади?

- Иқтисодий тизимнинг самарали фаолиятини ривожланган молия тизимисиз тасаввур этиш қийин. Қимматли қоғозлар бозори ҳамда бу борада фаолият кўрсатувчи воситачилар ушбу молиявий тизимнинг таркибий ва ўта муҳим қисмларидир. Улар молия тизимини ривожлантиришда, ортқча маблағларни инвесторлардан истеъмолчиларга тақсимлаш жараёнида катта ўрин тутати.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар тижорат банклари фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Тижорат банклари Ўзбекистонда ҳам молия тизимининг энг фаол иштирокчилари сифатида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳиссдорлик-тижорат банкларининг 18 таси сотган акциялари республикадаги жаъми акцияларнинг тўртдан уч қисмини ташкил этади. Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, тижорат банклари фақат акциялар бозорини эмас, балки қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга ҳам кўмаклашади.

Чунончи, тижорат банклари республикадаги мавжуд 4 хил қимматли қоғозларнинг 3 хилини муомалага чиқарган. Булар 1 млрд. 570 млн. сўмлик микдордаги акциялар, 13 млн. сўмлик векселлардир. Бундан ташқари, Ўзсаноатқурилишбанк, "Ипак йўли" ва "Турон" тижорат эмиссияси ҳам рўйхатга олинган. Яқин кунларда бу сертификатлар республика бозорига пайдо бўлади ва бўш пул маблағларига эга хўжаликлар учун яна бир инвестиция объекти юзага келади.

Ҳозирги вақтда сотилган қимматли қоғозларнинг 70 фоизга яқин қисми векселлар бўлиб, хўжаликлар ўртасидаги ўзаро қарзлар муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш билан кутилган ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, корхоналарнинг 11,5 млрд. сўмлик дебиторлик қарзларини камайтиришга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1995 йил қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришда янги ва муҳим босқич бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 июнда қабул қилган "Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони ўз аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан иқтисодий, умуман, республикада олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичига олиб чиқувчи муҳим ҳужжатдир. У иқтисодийдаги мулк шакллариининг кўпайишига ва бозор муносабатларининг асосий шарти бўлмиш рақобатчилик муносабатларининг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Акциялар бозорининг ривожланиши натижасида пулнинг айланиши тезлашади, унинг қадрсизланиши жараёни эса секинлашади ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг кенгайишига, инвесторлар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағ-

ларидан самарали фойдаланишига, даромад олишнинг янги воситаларини яратишга, иқтисодийнинг пул маблағларига эҳтиёжманд соҳаларини маблағ билан таъминлашга, энг муҳими, муомаладаги пул маблағларини қайта сармоялаш учун ишлатилишига имконият яратилади.

- Президентимиз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга доир бир неча муҳим Фармонларни қабул қилганидан сўнг юридик шахслар ва тадбиркорлар хориждан халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотларини республикага олиб келиш учун сўмни валюта - АҚШ долларига айирбошлашлари учун қандай имтиёзлар белгиланди?

- Марказий банк сўмларни эркин муомаладаги валютага имтиёзли айирбошлаш ҳуқуқини берадиган патентларни мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва тадбиркорларга бермоқда. Бу тадбир анча соддалаштирилган бўлиб, юридик шахслар, у идорадан бу идорага қатнаш билан қимматли вақтларини сарфлашларининг олдини олишга қаратилгандир.

Шу ўринда яна алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур патентларнинг 262 таси ёки 80 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар томонидан олинган. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда бу масалага етарли даражада эътибор берилмаяпти. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, барча мутасадди раҳбарлар мазкур масалага жиддий ёндашсалар жойларда истеъмол бозорини харидоргир ҳамда сифатли маҳсулотларга тўлдириш борасида ижобий бурилиш ясалган ва энг муҳими, жойлардаги нақд пул билан таъминлаш масалаларида мавжуд бўлган айрим муаммоларни ҳал этишга кўмаклашилган бўларди.

- Республикаимизнинг айрим вилоят ва туманларидаги хўжалик деҳқонлари, корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ойлик маошларини вақтида ололмаётганликлари учун қимматли айбдор, деб биласиз?

- Бу ҳозирги кунда энг долзарб масаладир. Халқимизнинг фаровонлиги, турмуш даражаси яхшиланиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабли юртбошимиз Ислон Абдуганиевич Каримов шу йилнинг 29 июлида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда бу масалага энг устувор йўналишлардан бири сифатида қарамоз зарурлигини уқдирган эди.

Шуни очиқ-ойдин айтишим лозимки, ҳали ҳамон айрим вилоятларда эмиссия муаммосига етарли эътибор берилмаяпти. Аҳолига зарур маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмаяпти. Бу эса аҳолининг кўлида бўлган нақд пулларнинг банкка ўз вақтида қайтиб келишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ачинарлиси эса, бу айрим ҳолларда маош тўлашда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Фуқароларда ҳам нега иш ҳақини ўз вақтида ололмаимиз, деган савол туғилиши табиий, албатта. Минг афсуски, бугунги кунда кўпгина корхоналаримиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ойлаб омборларда туриб қолиб, ўз харидорини топмамаяпти ва натижада хизматчиларга вақтида иш ҳақи тўлаш имкони бўлмаётир. Бунинг учун корхона раҳбарияти жавобгардир.

Айрим жамоа ва деҳқон хўжаликларининг вақтида мош ололмаётганлигини оддий бир мисол билан тушунириб бермоқчиман. Масалан, бирон бир ширкат йил бўйи меҳнат

қилиб, пахта ҳосили етиштириб, олдиндан ҳақини олмай кузда пахта тозалаш заводларига топшириб юборади. Бу корхона ҳам мазкур маҳсулотни қайта ишлаганидан сўнг бирон бир корхонага тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун жўнатади. Бу ўз навбатида мазкур хўжалик ва корхоналар ўртасида ўзаро қарзларни юзага келтиради. Охир-оқибатда меҳнатчининг иш ҳақини вақтида тўлай олмаслик муаммоси туғилиб қолади. Эндиликда бу масаланинг ҳам ечими топилди. Чунончи, шундай муаммо мамлакатимиз ҳудудида Фаллабанк ташкил этилгунга қадар мавжуд эди. Ҳозирда эса бу борадаги муаммолар ечилиб, дон маҳсулотларини йиғиб-териб олиш учун мазкур хўжаликларга олдиндан бўнак берилди ва ҳукуматнинг махсус қарори билан кредит ажратилди. Юқорида айтиб ўтилган деҳқон хўжаликларининг муаммоси масаласига келганда эса, шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 июлдаги 294-Қарорига мувофиқ ташкил этилган ихтисослаштирилган ҳиссдорлик-тижорат банки - "Пахтабанк" 1995 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш билан боғлиқ жараёнга олдиндан бўнак ажратди. Бу мазкур муаммонинг муайян даражада ҳал этилишига кўмаклашди.

Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги мажлисида мазкур масалага тўхталиб, "Одамларга ишлаб топилган ҳақини вақтида бермаслик адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун авваламбор раҳбарларнинг масъулиятини ва керак бўлса жавобгарлигини қатъий кўриш зарур, шунинг учун маошлар ўз вақтида берилмаётганига ким сабабчи, шуларни аниқлаб, ҳақиқий ҳолатни халққа етказиш даркор,- деган эди,- Токи улар ҳукуматдан, банкдан беҳудадан ранжиб юрмасин".

- Файзулла Мақсуджонович, бозор иқтисодиёти тақозоси билан тижорат банкларининг турлари кўпайиб бораётир. Яқин орада банк тизимида яна қандай янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

- Мамлакатимизда ривожланган банк тизимини барпо этиш иқтисодийнинг ажралмас қисмидир. Бу соҳадаги асосий вазифа сўмнинг қадрини мустаҳкамлаб, республика банк тизимини ва мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андозаларга мослаштиришдир. Ана шу вазифани бажариш мақсадида ўтган йиллар мобайнида янги ихтисослаштирилган банклар ташкил этилишига кенг йўл очилди.

Шу ўринда газетхонларнинг эътиборини мамлакатимиз ҳудудидаги айрим тижорат банклари бажараётган вазифаларга қаратмоқчиман. Жумладан, Пахтабанкни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад - юртимизнинг ифтихори бўлган пахтаимизни етиштириб, қайта ишлаш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, уни четга экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Фаллабанкни ташкил этишдан асосий мақсад - мамлакатимизнинг галла мустақиллигини мустаҳкамлаш, деҳқонларимизнинг етиштирган дон маҳсулотларини ўз вақтида йиғиштириб олиш, уни қайта ишлаш ва қолаверса, халқимиз учун зарур неъмат - нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кўмаклашишдир.

Худди шунингдек, Савдогарбанк, Мевасабзавотбанк, Алоқабанк ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган бошқа тижорат банкларини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳам мамлака-

тимиз халқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган тегишли тармоқларни ривожлантириш ва уларга кўмак бериш, банк тизимини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Булардан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида Голландия билан ҳамкорликда ташкил этилган Приватбанк ҳамда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўтбанк каби қўшма банклар ҳам мавжуд. Бундай банклар Ўзбекистон Республикасига хорижий сармоялар олиб келиш ва энг муҳими, банклар ўртасидаги тенг шерикчилик қобилиятини, соғлом рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Сервис хизматини яхшилашга катта туртки бўлади, банк хизмати кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдамлашади.

Булардан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида Олмония, Франция, Швейцария сингари ривожланган хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган 6 та йирик банкнинг ваколатхоналари ҳам очилган. Мазкур ваколатхоналар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тўғрисида маълумотлар йиғиш, таҳлил этиш ва ахборот тайёрлаш билан шуғулланади. Ана шу ахборотларни хорижий мамлакатларнинг йирик компанияларига тақдим этиб, уларнинг сармояларини Ўзбекистонга жалб этишга хизмат қилади.

Газетхонларни қизиқтирган - банк тизимидан қандай янгиликлар кутилмоқда, деган саволга қисқача қилиб айтмоқчиманки, кун-кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ихтисослаштирилган "Замин" давлат ҳиссдорлик ипотека банки ташкил этилди. Бундан кўзда тутилган мақсад республикаимизда мавжуд бўлган ер фонидан самарали фойдаланиш, ер билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолиятини ва гаров муносабатларини янада авж олдириш, банк хизматларини кенгайтиришдан иборат.

Ҳозир биз Ўзбекистон ҳиссдорлик-тижорат инвестиция банки - "Ўзсаёҳатинвестбанк"ни ҳам ташкил этиш арафасида турибмиз. Бу банкни очишдан кўзда тутилган мақсад қадимги Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва республикаимизда халқаро туризмни ривожлантириш учун мумкин қадар ёрдам беришдан иборатдир.

Яна бир янги банк, Ўзбекистон - Малайзия қўшма банки - "Нефтбоанк"ни очиш учун тегишли ҳужжатлар республика Марказий банки ҳузуридаги рухсатнома бериш комиссиясига тақдим этилган. Бу комиссия ҳозирда ҳужжатларни ўрганиб, мазкур банкни ҳам очиш учун тез кунларда тегишли рухсатнома беради.

Малайзия ишбилармонлари Ўзбекистон нефть ва газ захираларининг кўплигини, нефть ва газ саноатимизнинг келажаги порлоқ эканлигини тан олиб, бу соҳани сармоялар билан таъминлаш ва молиялаштиришни янада такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида қўшма банк тузишни таклиф қилдилар. Бу таклиф республикаимиз раҳбарияти томонидан ҳам маъқулланди.

Ўйлайманки, банкларнинг кўпайиши, айниқса, қўшма банклар тизимида рақобатни кучайтиради. Янги-янги банк хизматлари турларини ҳаётга тадбиқ этишга ва шу билан иқтисодийтимизнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашади.

БАНК НАЗОРАТИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Марказий банкда банк назорати мавзусида икки ҳафталик семинар бўлди. Уни Америка халқаро ривожланиш агентлиги вакиллари Гленн Тэски ва Стефани Хит ўтказишди.

Семинар кун тартибига "АҚШда банк назоратидан кўзланган мақсад ва уни ташкил этиш", "Банкларни оқилона бошқариш", "CAMEL рейтинг тизимида муқаддима" каби масалалар киритилди.

"БА" семинарда баён қилинган материалдан парчаларни газетхонлар диққатига ҳавола этмоқда.

ГЛЕНН ТЭСКИ

Биз банкни турли томонлардан қўйилган депозит ҳисобварақлари мажмуи деб биламиз. Бу томонлар хоҳ ҳукумат, хоҳ корхона ёки ҳусу-сий шахс бўлсин, улар банклардаги депозит ҳисобварақларидан фойдаланиб, ўзаро тўловлар ўтказиб турадилар. Бу жараён узлуксиз давом этади, чунки тўловлар ўтказишнинг ишончли механизми сиз иқтисодиёт ривож топа олмайди. Агар тўловлар тизимида муаммолар пайдо бўлса, давлатнинг иқтисодий фаоллиги даражаси анча пасаяди. Бу билан мен банк тизими пухта ишлашининг нақадар муҳимлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Жамият унга ишончини йўқотса ва одамлар банклардан ўз жамғармаларини қайтариб ола бошласа, банкларда маблағ тақчиллиги вужудга келади. Банклар ўз мажбуриятлари юзасидан жавоб бера олиш учун олинган қарзларни ва қимматли қоғозларни сота бошлашга мажбур бўлади. Пировард натижада банк соҳаси қисқаради. Бу ҳол айниқса бевоқифа кредиторлар билан алоқа боғлай олмайдиган кичик корхоналарга ёмон таъсир қилади. Банклардаги мавжуд фондларнинг фойз ставкалари ошиб кетади. Бу эса ҳар қандай иқтисодиётни вайрон қилади. Шунинг учун ҳам биз жамиятнинг банк тизимида ишончини сақлашимиз лозим.

Банк назорати тизими нима учун керак? Маълумки, ҳар қандай банк тизимида жиддий қийинчиликларга учраган банклар бўлади. Банк назора-

тидан кўзланган мақсад ҳар бир банкни синишдан сақлаб туриш эмас. Биз банк тизимини соғлом ҳолатда ушлашимиз керак. Шунга кўра банк назорати инспекторлари тижорат банкининг муаммоларига ниҳоятда катта диққат-этибор билан қарашлари зарур.

СТЕФАНИ ХИТ

CAMEL РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА МУҚАДДИМА

CAMEL -жаҳондаги кўпгина мамлакатларда фойдаланиладиган стандарт тизим. Ундан Америка Қўшма Штатларида Молия вазирлиги, Марказий банк ва депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси доирасида уч агентлик фойдаланади.

Рейтингда молиявий фаолиятнинг банклар молиявий аҳволини акс эттирадиган барча жиҳатлари ҳисобга олинishi лозим. Биз бундай рейтинг тизимини CAMEL деб атаймиз. Бу сўз бешта инглизча сўзнинг бош ҳарфларидан тузилган: С - сармоя, А - активлар сифати, М - менежмент, Е - тушумлар, L - ликвидлик.

Мазкур рейтинг тизимида ҳар бир тоифа 1 дан 5 гача бўлган беш балли тизимда баҳоланади.

1-рейтинг - банк олиши мумкин бўлган энг юқори рейтингни ва 5-рейтинг банкнинг мавқеи заифлигини билдиради. Ана шу омилларнинг ҳаммасини эътиборга оладиган ва амалда якуновчи ҳисобланган жамлама рейтинг ўртача арифметик ҳисоб билан чиқарилади.

CAMEL рейтинг тизимида кўриб чи-

қиладиган биринчи тоифа - сармоянинг адекватлигидир. Бунда сармоя ҳажми-гина эмас, шу билан бирга у нимадан таркиб топгани ҳам кўриб чиқилади. Одатда у асосий ва қўшимча сармояга ажратилади. Асосий сармоя пули тўланган акциялар ва акциялар бўйича мукофотлар, тақсимланмаган фойда кабилардан иборат бўлади. Тақсимланмаган фойда маблағлари қўйилган баъзи фондлар ҳам шунга кириши мумкин.

Банк сармояси анъанавий усулда қиёсланади. Яъни у активларга нисбатан ёки коэффициент чиқариш усули билан таққосланади. Бунда хатар билан солиштирилган активлар эътиборга олинади.

Активларнинг - банк берган қарзларнинг сифатига келсак, бунда молиявий ахборот таҳлил қилинади. Мазкур таҳлилни банклар Марказий банкка юбордилар. Банкни жойининг ўзида диспетчерлик текширувидан ўтказиш, албатта, энг яхши усулдир.

Менежмент рейтинг одатда охириги навбатда чиқарилади. Бунинг сабаби шуки, биз тўртта компонент рейтингини чиқарганимиздан кейин менежментни ҳам баҳолашимиз мумкин бўлади.

Тушумларни баҳолашда фойдаланиладиган бир қанча коэффициентлар мавжуд. Бунда тушумларнинг миқдори-га доир жиҳатларгина эмас, уларнинг сифати ҳам кўриб чиқилади. Бунда банкларнинг мавжуд фондлардангина фойдаланиб ўз маблағларини бошқара олиш қобилияти назарда тутилади.

Ликвидлик баланс ҳисоботининг ҳар икки томонини эътиборга олади. Ликвидликка активлар, яъни банкнинг ўз пул маблағларини жалб эта олиши таъсир кўрсатади. Баланснинг пасив томонига келсак, ана шу фондларнинг мавжудлигини, уларнинг манбаларини, зарурат бўлганда маблағларни жалб этиш ёки қарз олиш имкониятини ҳисобга олиш лозим. Бу компонентларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ. Активлар сифати тушумларга таъсир қилади, чунки активлар қўйилган натижани бермаса, бу нарса даромадда акс этади. Агар банк ўз ликвид мавқеини тегишлича бошқара олмаса, ўзининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бериши қийин бўлади.

Фойзсиз тушумларни ҳам унутиш ярамайди. Улар воситачилик ҳақини

ҳамда қилинган хизматлар учун бошқа турдаги тўловларни ўз ичига олади. Ана шу компонентларнинг ҳаммаси тушумларга ва ўз навбатида сармояга таъсир қилади.

Раҳбарлик сиёсати ва жараёнлар, тегишли ички назорат, банкнинг барча низомлар ва қонун меъёрларига амал қила олиши каби омилларга ҳам эътибор бериш керак. Бу омилларнинг барчаси менежмент компоненти кўриб чиқилаётганда ҳисобга олинishi лозим.

Жамлама рейтинг қандайдир ўртача арифметик ўлчамни билдирмайди. Бу умумий рейтинг бўлиб, зарурат туғилганда банкка нисбатан қандай чоралар қўлланиши кераклигини кўрсатади. Масалан, агар банк рейтингини 1 бўлса, демек бу жуда ишончли ва мустаҳкам пойдеворда турган банк бўлиб, юзага келадиган кичик муаммоларни унинг раҳбарияти осонгина ҳал этиши мумкин. Кам учрайдиган бунақа банкка банк назорати департаменти катта эътибор бериши шарт эмас. У йилига бир марта текширилса, етарли. Бундай банк ташқи иқтисодий муҳитда ўзгаришлар юз берса ҳам ўзини осонгина ўнглаб олади.

Жамлама рейтингини 2 ни ташкил этган банк олдида жиддийроқ муаммолар бор. Лекин унинг фаолияти асосан қониқарлидир.

3-жамлама рейтингга эга банк муайян муаммоларга дуч келган ҳисобланади. Банк назорати департаменти унга кўпроқ эътибор бериши лозим. У энди ташқи иқтисодий ўзгаришларга мослаша олмайди ва қандайдир чора кўрилиши керак.

Жамлама рейтингини 4 ни ташкил этган банк банк назорати департаментининг жуда катта эътиборига муҳтож. Чунки у тез орада банкрот бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолларда вазиятни яхшилаш юзасидан махсус режа ишлаб чиқиши талаб қилинади. Чунки у кейинги рақамли рейтингга осонгина ўтиб қолиши мумкин.

5-рейтинг банкрот бўлиш арафасида турган банкни билдиради. Бундай ҳолларда уни тугатиш ёки қучди-роқ молиявий муассаса қўшиб юбориш ҳақида ўйлаш керак бўлади.

Айни шундай муаммоларни интегратор фирмалар ҳал этади.

"Нурон" ЛТД фирмаси интегратор фирмаларнинг Ўзбекистондаги вакилларидан биридир. Фирмада турли йўналишда ишловчи жуда кўп мутахассислар бор. Бу эса йўналишларнинг ҳар бири технологиясини яхшироқ билиш, талаб қилинаётган тизимларни интеграциялаш чоғида уларни беҳато танлай олиш ҳамда ҳар бир лойиҳага комплекс ёндашиш имконини беради.

Банклар ва "Нурон" ходимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан банк иши соҳасидаги энг янги компьютер технологиялари ва хизматларнинг янги турлари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Фирма ҳузурида мустақил ўқув маркази ишлаб турибди. Бу ерда банк ходимларига энг янги технологиялар атрофида ўргатилмоқда.

Интегратор фирмаларнинг Ўзбекистон банк тизимидаги асосий роли эса банкларга энг янги технологиялар ва хизматларни жорий этишда ёрдам беришдан, жамиятда ахборотлаш жараёнини янада ривожлантиришдан иборатдир.

**"Нурон" ЛТД фирмасининг
лойиҳалар бўйича менежери
А.Г. СОН**

**Маълумотлар учун
телефонлар:
67-71-21, 68-87-96**

фойдаланувчиларга бозор нархида тушади.

Жонли мисол сифатида ҳозирги кунда энг илдам ривожланиётган бозор - банк тизими бозорини кўрсатиш мумкин.

Замонавий банк тизимларини яратиш учун "сервер" деб аталувчи асосий компьютерларни ҳамда "мижоз" деб аталувчи ишчи станцияларни ягона тармоққа бирлаштириш талаб қилинади. Одатда барча серверлар уч тоифага бўлинади:

ИНТЕГРАТОРЛАР ВА БАНКЛАР

Республикада банк тизими шиддат билан ривожланиётган бир шароитда малакали консалтинг хизматларига бўлган талаб ҳам тез суръат билан ошмоқда. Ана шундай хизматларнинг бир тури - тизимли интеграция хизматлари тўғрисида сўз юритамиз.

1) SQL - маълумотлар базалари сервери бўлиб, уларда мижозлар, банклар, ҳисобварақлар ва бошқалар тўғрисидаги асосий ишчи маълумотлар сақланади;

2) Файл-серверлар ўз фаолиятида DOS, Windows иловаларидан жадвал фойдаланувчилар учун мўлжалланган;

3) Почта-серверлари банк бош бошқармаси ўз филиаллари, мижозлари ва бошқа банклар билан алоқда бўлиши учун мўлжалланган.

SQL-серверлар, қоида тариқасида, кўп вазифаларни бажарадиган UNIX (UnixWare, Solaris, SCO UNIX, Xenix ва ҳоказо) тармоқлар операция тизимлари негизда қурилади. Чунки мазкур операция тизими тармоқдаги кўп сонли мижозлар билан ишлаш талаб қилувчи вазифалар учун мос келади. Ушбу операция тизими устидан серверга қилинадиган ҳар қандай мурожаатни назоратда тутувчи дастур ўрнатилади. Бундай усткурма сифатида INFORMIX, GUPTA, SYBASE, ORACLE, InterBase ва бошқа турдаги маълумот базаларини

рация тизими дисксиз станцияларга маълумотлар киритиш, DOS, Windows, умумий фойдаланишдаги дастурларни сақлаш, тармоқдан фойдаланувчилар ўртасида электрон алоқани танлаш ва ресурсларни бирлаштириш учун хизмат қилади.

Почта серверига бош бошқарма ўз филиаллари, бошқа банклар мижозлар билан алоқа боғлаши учун зарур тизим ўрнатади. Бу ишни амалга оширишнинг турли вариантлари мавжуд. Булар ўзимиз ишлаб чиққан E-mail ишланмаларидан тортиб Global MHS, ccMail, MS Mail фирма тизимларигача бўлган ишланмалардир.

Бош компьютерлар ишчи станциялар билан боғланиши учун одатда TCP/IP, IPX, NetBIOS айирбошлаш протоколлари бўлган ETHERNET ягона тармоқидан фойдаланилади.

Агар фойдаланувчилар ҳар бир тизимнинг ўзи-га хос хусусиятларини, шунингдек ҳозир мавжуд бўлган ва бошқалар ишлатаётган машина-ускуналардан фойдаланиш имкониятини, уларнинг бир-бири билан, маълумотлар ишчи базалари ва тар-

моқнинг бошқа элементлари билан ўзаро алоқдорликда ишлаши мумкинлигини билмаса, молиявий жиҳатдан жуда қийналиб қолиши мумкин. Чунки ўзаро боғлиқликда ишлай олмай-диган тизимлар учун доимо махсус ускуналар харид қилиб туришларига тўғри келади. Бунинг устига, истиқболли тизимни барпо этиш учун ҳали бозоримизга кириб келмаган банккомат, пластик варақчалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими каби қурилмалар қандай ишлашини SWIFTга улаишни билишлари лозим.

БАНКРОТ БЎЛИШ ЭХТИМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

“Халқ сўзи” - “Народное слово” газеталарида республикамиздаги тижорат банклари хизматидан фойдаланаётган ва тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган корхона ва ташкилотлар рўйхати чиқарилди. Корхона тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниши нимани билдиради? Бу рўйхатга тушганларнинг такдири нима бўлади?

Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг муовини Мамаризо Бердимуродович НУРМУРОДОВ жавоб беради:

- Республика матбуотида эълон қилинган рўйхат бизда ташвиш уйғотмоқда. Бу рўйхат ватанимиздаги товар ишлаб чиқарувчилар мумкин қадар тезроқ сифатли ва рақобатга бардош берадиган товарлар ишлаб чиқара бошлаши зарурлигини билдиради. Улар асосий фондлардан ва оборот маблағларидан ақл билан фойдаланишга интилиши, маҳсулот таннархини ва ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириши зарур. Бир сўз билан айтганда, бозорнинг шафқатсиз қонунларига амал қилиб ишлаши ке-

рак. Бу қонунлар эса ҳужасизлик ва боқимондорликни ёқтирмайди.

Ҳозирги ҳўжалик амалиётида иш юритишга ҳақиқий тадбиркорларча, манфаатдорлик билан ёндашаётган корхоналарнинг иши юришиб, молиявий соҳада ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмаяпти. Ҳўжалик юртишнинг янги шароитига мослаша олмаган корхоналар эса кўп ҳолларда банк кредитларини ўз вақтида қайтармаяпти. Бундай шароитда тижорат банклари тўлов интизоми кучайтирилишини энг асосий вазифа деб билишяпти.

Банк тизими ҳисоб-китобларнинг аҳволини нормаллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланяпти. Ягона молия-ҳисоб-китоб кунлари, махсус ишлаб чиқилган режалар бўйича ўзаро қарз суришиш ўтказилляпти. Векселлар жорий этилиши, харидорлар товар ҳақининг 15 фоизини олдиндан тўламагунларича маҳсулот юборишни тўхтатиб туриш кабилар бу борадаги ишларни яхшилади. Республика ҳукумати ва ҳокимликлар ҳузуридаги пул-кредит сисёсати комиссиялари таркибида Марказий ва тижорат банклари, Молия вазирлиги ва солиқ хизмати вакиллари иштирокидаги доимий гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Бироқ айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзлари оғир молиявий аҳволда бўла туриб, олдиндан ҳақ олмасдан тўловга лаёқатсиз харидорларга маҳсулот жўнатишни давом эттиришяпти, унинг сифати чаққон сотилиши ҳақида қайғуришмаяпти. Натижада боши берк кўчага кириб қолишмоқда.

Агар корхона доимо зарар кўраверса, бюджетга тўловларни ўз вақтида ўтказиб турмаса, товар етказиб берувчилардан узоқ вақтгача кредиторлик қарзи бўлса, банкдан олинган қарзлар муддати тугаганидан кейин ҳам 60 кунгача уни узмаса, банк муассасаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 41, 42 ва 43-моддалари талабларига мувофиқ уни тўловга лаёқатсиз деб эълон қилишга ҳақли.

- Мамаризо Бердимуродович, агар корхона расмий равишда тўловга лаёқатсиз деб матбуотда эълон қилинган бўлса, у банкрот бўлганини ва унга нисбатан “Банкротлик ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ чора кўрилиши кераклигини билдирмайдими?

- Тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиниш ушбу корхона ҳали банкрот бўлганини билдирмайди. Ле-

Давоми 5-бетда

ТАДБИРКОР ВА БАНК

“Роҳат” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси алоҳида қонуний ташкилот сифатида фаолиятини 1993 йил 6 сентябрдан бошлади.

Ўтган қисқа давр ичида фирма барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришиб, мустаҳкам, нуфузли савдо-ишлаб чиқариш ташкилотларидан бирига айланди.

ТИЖОРАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК БОБИДАГИ ТАЖРИБА ҲАМДА ТАКЛИФЛАРИМИЗ

Ҳозирги шароитда ҳўжалик юртишнинг миллий анъаналари ва замон таърибасига асосланган янги услубларига ўтиш мамлакатимиз, халқимиз тараққиётини таъминловчи асосий омилдир. Иқтисодиётни юксалтириш, мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, тижоратни такомиллаштириш юртбошимизнинг диққат-этиборларидаги энг асосий масалалардандир.

Дарҳақиқат, хусусийлаштириш, том маънодаги тижорат, тадбиркорлик - мустақиллик шарофати билан оғимизга, мафкурамизга, ҳаётимизга кириб келаётган янгиликдир. Шу туфайли кўпгина ишбилармонлар бу соҳа сирларини, тамойилларини тез фурсатда ўзлаштириб ола олмасликлари табиий. Ўзлаштириш эса, муайян муддат, ўзига хос тайёргарлик, зарурий шарт-шароитни талаб қилади. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан худди ана шу зарурий шарт-шароит яратилмоқда. Навбатдаги вазифалардан бири тадбиркорлик назариясини яратиш, муаллимларни қайта тайёрлаш, сўнг улар орқали тадбиркорларга таълим беришдан иборатдир.

Ҳозирги тадбиркор ким? Унинг савияси қай даражада? Ўзининг уйида дўкон очгани билан, тижорат-савдо сафаридан мол олиб келиб сотгани билан киши том маънодаги тадбиркор бўлиб қолавермайди. Ўзини “тадбиркор”, “ишбилармон” санаб юрганларнинг аксарияти воситачи дўконларнинг эгаларидир. Воситачи дўконларнинг айримларида ҳали банк-ҳисоб рақамлари йўқ, улар ҳар кимларнинг молларини сотиб, маълум фоиз чегриб қолиб, пулини мол эгасига қайтариб беришдан на- рига ўта олмайдилар.

Янги иқтисодга, янги ҳўжалик

юритишга ўтар эканмиз, янги шаклланиб келаётган ишбилармонларни назарий жиҳатдан тайёрлашимиз, амалий ишга ўргатмоғимиз, ўргатганда ҳам жаҳон иқтисодий билимлари даражасида, банклар билан бевосита мулоқот қила оладиган, валюта билан муомала қила оладиган даражада ўргатмоғимиз даркор. Банк ишига урғу беришимизнинг сабаби шуки, замонавий тижорат, тадбиркорликни банк ишисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Юртимизда тадбиркорлик ва тижорат ишини ривожлантириш борасида қуйидаги таклиф ва тамойиллар билан ўртоқлашишни лозим топамиз:

1. Банклар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва унинг хизматидан кенг фойдаланиш; - дўконга мол олиб келиш ва бошқа муомалаларнинг 96 фоизини банк орқа-

ба ва якшанба кунини дам оладилар. Жума ва шанба кунлари инкассаторлар томонидан йиғиб келтирилган пуллар - шанба-якшанба кунлари ҳаракатсиз ётади, яъни улар муомалага қўйилмайди. Агар банк муассасаларининг пул айланиши тизимига алоқадор ходимларнинг дам олиш кунлари ишлашлари таъминланса, қанчадан-қанча пул муомалада бўлиб, иқтисодиёт тараққиётига ҳисса қўшган бўлур эди. Зеро, тадбиркорлик дам олиш кунини тан олмайди.

6. Ҳар бир корхонанинг савдо тармоғини очишга эришиш: Ҳар бир корхона ўз маҳсулотининг маълум қисmini ўзи сотишга эришса, биринчидан, корхона хазинасига нақд пул тушиб, маошларини тарқатишда узилиш бўлмайди, иккинчидан, харидорга товар нисбатан арзон нархда етиб боради, чунки корхо-

байрам, ҳайит, наврўз кунлари “Бозори шодиёна” деб номланган савдо ярмаркаларини ташкил этиш.

12. Миллий анъаналар асосида ҳақимий ишлайдиган “Бозори субҳ” (тонгги бозор), “Бозори шаб” (тунгги бозор) деб номланган савдо расталарини ташкил этиш.

13. Савдо дўконларида “Ширинак” савдо услубини жорий этиш.

14. Харид қилинган молларни харидорларнинг уйларига ёки улар тайинлаган манзилларга элтиб беришни ташкил этиш.

15. Халққа ҳолисаниллоҳ хизмат кўрсатиш баракат гаровидир. Ҳеч бир савдогар хизмат қилиб кам бўлган эмас.

16. Илгари савдогарлар ўзига хос элчи вазифасини ҳам бажарганлар. Ҳозирги тижоратчилар ҳам “халқ дипломатияси” вазифасини ўтамоқлари лозимдир.

Юртбошимиз супермаркетлар барпо этиш ҳақидаги таклифимизга катта қизиқиш билан қарадилар ҳамда ўлкамизда супермаркетлар барпо этиш хусусида тегишли идора ва вазирликларга аниқ кўрсатмалар бердилар.

Яна таъкидлаб ўтмоқчимизки, савдо соҳасидаги юз бир сирни барча хоҳлаган тадбиркорларга ўргатишга ва ҳаётга татбиқ этишга тайёрмиз.

Кези келганда яна бир мулоҳазамизни айтиб ўтмоқчимиз. Ҳар бир тадбиркор ўз нуфузини билмоғи даркор. Янги чиққан бир тадбиркор сақич ва сигарет сотадиган дўкон очадиган унга ўзича “ФИРМА” мақомини беради. Баъзан тегишли муассасалар уни шу мақом билан расмийлаштирадilar. Аммо, фирма бошқа, баққолик бошқа.

Фирма - йирик саноат-савдо сармоядорлик муассасаси дегани бўлиб, фирма мақомини олиш учун муассаса ходимларининг сони саксон-юздан кам бўлмалиги, савдо кўлами жуда катта бўлиши керак.

Умуман, тегишли муассасалар тадбиркорликни рўйхатга олишда уларнинг мақомини белгилаб беришлари, устав сармоясига қараб баҳо бермоқлари лозим.

Кўкон шаҳридаги “РОҲАТ” хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими Нуруллоҳон Ҳожи АБДУЛЛАЕВ.

КЎҚОН ШАҲРИДАГИ “РОҲАТ” ФИРМАСИ

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва энг долзарб вазифа - мулккий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти - мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топширишни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

И.А.Каримов.

ли пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш;

- савдо тушум пулларини инкассатор орқали банкка ҳар кун топширишни таъминлаш;

2. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқа ўрнатиш; мол айирбошлаш, товарлар сотиб олиш, қўшма корхоналар қуриш, таъриба орттириш;

3. Савдо муассасалари таркибида озиқ-овқат, истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш йўли билан бозорни тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари барпо этиш;

4. Аҳолига имкон қадар молларни арзонлаштириб сотиш тадбирларини кўриб бориш, миллий савдо, яъни вақти-вақти билан товарлар-ярим баравар арзонга сотиладиган кунларни жорий этиш;

5. Банк муассасаларининг ҳар кунини (дам олиш кунисиз) ишлашига эришиш. Маълумки, банк муассасалари ходимлари (инкассатордан ташқари) шан-

на товарини сотиб берадиган савдо ташкилоти тушумнинг маълум фоизини ўзига олиб қолади. Корхоналар ўз савдо тармоқларини очишлари учун жой бўлмаса, савдо ташкилотларининг ҳозирги кунда бўш қолган дўконларини ижарага олишлари мумкин.

7. Замонавий иқтисодиёт, тижорат, банк иши, валюта муносабатлари, бозор инфраструктураси, маркетинг, лизинг қонун-қоидаларидан хабардор бўлган ҳисоб-китоб ходимлари (бухгалтерлар)ни кўпайтириш.

8. Тижоратчиларни қайта тайёрлаш ишини ташкил этиш, буннинг учун ўқув-тажриба мактаблари, кундузги ва кечки ўқув курсларини очиш.

9. Замонавий электроника ва компьютер тизими билан ишловчи мутахассисларни кўпайтириш.

10. Банк билан муомала қилишни мукамал биладиган ҳуқуқ маслаҳатчиларини тадбиркорликка жалб этиш.

11. Миллий анъаналаримизга биноан,

БАНКРОТ БЎЛИШ ЭХТИМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Боши 4-бетда

кин буни шундай корхоналар тақдиридаги бурилиш нуктаси дейиш мумкин. Улар шу палладан бошлаб ўз муддати ўтган қарзларни қайтариш борасида тер тўкиб меҳнат қилишларига тўғри келади. Зеро бу корхоналарнинг банкрот бўлишига бир қадам қолган, холос.

Банклар бундай эълон берганидан кейин мазкур корхона билан муносабатларини бутунлай узиб қўймайди. Унинг молиявий аҳволи синчиклаб ўрганилади ва тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши сабаблари аниқланади. Шундан кейин корхона ёки у қарамоғида бўлган юқори ташкилот билан ҳамкорликда банкротликка йўл қўймаслигининг барча чоралари кўрилади. Бунга санациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир қайта ташкил этиш тадбирларини ўтказиш, технологик жараёни ўзгартириш ва шунга ўхшаш бошқа йўللари билан эришилади. Зарурат бўлганда бошқарув ёки мулкчилик шаклини ўзгартириш масаласи қўйилади.

Ҳозирги кунга келиб тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган корхона ва ташкилотларнинг 18 тасидан кўпроғи муддати ўтган қарзларни узди ва аҳволини анча яхшилаб олди.

Масалан, Жарқўрғон туманидаги Ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалик монтаж корхонасига қарашли Бинокорлик конструкциялари комбинати ва "Ўзбекистон темир йўллари"га қарашли Термиз шаҳридаги йўл ресторани тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинганидан кейин зарур чораларни кўриб, муддати ўтган қарзларини узди. Сирдарё саноат комбинати, "Ўзбекбирлашув"нинг "Шаҳноз" фирмаси, "Ўзқолхозқурилиш"га қарашли 76-механизациялашган кўчма колонна, "Ўзагроқурилиш"нинг 451-туманлараро механизациялашган кўчма колоннаси, "Ўзметвасабзавот" концернига қарашли Қува консерва заводи, "Ўзагроқурилиш"нинг Фарғона вилоятидаги 84-туманлараро механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқа корхоналар ҳам хўжалик-молиявий фаолиятларини яхшилаш чорасини кўрди.

Йилнинг биринчи ярмида "Самарқандкимёқурилиш" трести зарар кўриб ишлади ва кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажармагани оқибатида тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинди. Банкнинг талабига кўра трест раҳбарияти зарар келтираётган фаолиятни санациялаш ва тугатиш тадбирларини ишлаб чиқди. Унда ижтимоий соҳа объектлари (уй-жой қуриш кооперативи, дам олиш зоналари ва ҳоказолар) билан боғлиқ харажатларни камайтириш, тайёр бўлган айрим турар жой объектларини аукционлар орқали сотиш, муддати ўтган дебиторлик қарзини ундириб олиш кўзда тутилган эди. Натижада 7 ой ақунларига кўра кўрилатган зарар анча камайди ва ҳозирга келиб трест нормал ишлаб чиқариш-молия фаолиятини тиклади.

Бироқ, кўрилатган тадбирларга қарамай, молиявий аҳволи янада ёмонлашиб бораётган корхоналар ҳам бор. Навоий вилоятидаги Кармана тайёрлов-сотиш корхонаси,

Фарғона вилоятининг Водил шаҳридаги тайёрлов идораси ва "Шаҳарметвасабзавотузумсаноат" корхонаси шулар жумласидандир. Бу корхоналарга тегишли ҳужжатлар банкротлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига топширилди.

"Ўзенгилсаноат"га қарашли Марғилондаги "Ипакчи" ҳиссадорлик жамияти банкдан жуда катта қарз олиб, вақтида тўламади. Корхона асосий фаолияти учун банкдан кредит олиб маҳсулотни сотиш масаласи хусусида бош қотириб кўрмаган ва натижада ишлаб чиқарилган маҳсулот омборда қолиб кетган. Агар корхона раҳбарияти ва "Ўзенгилсаноат" уюшмаси тўпланиб қолган маҳсулотни сотиш юзасидан шошилинч чоралар кўришмаса, бу комбинат ҳам банкрот бўлиши мумкин.

- Демак, тўловга лаёқатсиз корхона ва ташкилотларнинг Республика матбуотида эълон қилинган рўйхатини улар банкрот бўлиши мумкинлиги тўғрисида бевосита огоҳлантириш деб тушуниш мумкин экан-да?

- Худди шундай. Лекин айна пайтда банк муассасалари мумкин қадар кўпроқ корхоналарни тўловга лаёқатсиз деб эълон қилишга интилмайди. Бироқ корхонани соғломлаштиришга, банкдан олинган маҳсулот жўнатувчилардан қарзларни тўлаш чоралари тегишли натижа бермаса, хўжалик суди корхона банкрот бўлгани тўғрисида иш қўзғайди. Бозор иқтисодиёти қонунлари бундай ҳолларда қарздорларга нисбатан қаттиқ, лекин адолатли иқтисодий таъсир чоралари қўлла-нишини, ҳатто уларнинг мулклари аукционларда сотиб юборилишини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, бепарво хўжалик органига иқтисодий таъсир чораларининг ҳаммаси қўлланиб бўлинган ва унинг хўжалик-молиявий фаолиятини яхшилаш учун бошқа йўл қолмаган ҳолларда банкротлик механизми ишга тушади.

Бундай ҳол корхона тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинганидан кейин ҳам ўз фаолиятини яхшила-маса, муддати ўтган қарзларни узиш учун конкрет чора-тадбирлар кўрмаса, шунингдек банклар ва кредиторларнинг талабларини қондиришга, жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ўтказишга қодир бўлмаса ва унинг мажбуриятлари ўз ихтиёридаги мол-мулк қийматидан ошиб кетса - юз беради. Ана шунда ҳужжат хўжалик судига топширилади.

"Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бундай чора ҳозиргача бир неча хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилди. Умид қиламизки, тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган корхоналарнинг раҳбарлари корхона ва ундаги кишилар тақдири ҳақида жиддий ўйлаб кўрадилар.

Чунки агар корхона банкрот деб эълон қилинса, уни тугатишга, мол-мулкни сотишга ва бундан тушган маблағлар ҳисобидан унинг қарзларини тўлашга тўғри келади.

Банк муассасалари ва республика ҳукумати иқтисодиётни соғломлаштириш учун ҳамма чораларни кўра-веради.

Ш.АБЛЯКИМОВА,
"Ўзмарказбанк" Статистика ва иқтисодий таҳлил департаменти директорининг муовини.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ҚАНДАЙ ЖОНЛАНТИРИШ МУМКИН

"Тошкент" фонд биржаси ва Давлат мулки қўмитаси ходимлари акциялар, бошқа қимматли қоғозларни фонд биржасига қўйишнинг биржа савдоси қоидаларига тўлароқ жавоб берадиган янги тартибини тайёрладилар. Шу мавзуда фонд биржасида журналистлар билан учрашув ўтказилди. "БА" мухбири Исмоил ШАРАПОВ-нинг ушбу учрашувдан ёзиб олган хабарини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳужжатда давлат мулки қўмитаси номидан қимматли қоғозларни савдога қўйиш ҳуқуқи учун тендерлар, аукционлар ўтказиш, бошқача қилиб айтганда, бу ташкилотнинг манфаатларини савдода ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Бундай ишончнома муайян муддатга берилади. Янги тартиб брокерлик идораларининг қимматли қоғозларини савдога қўйиш ва сотиш фаолияти устидан назоратни кучайтириш имконини беради. Илгари айрим корхоналарнинг акциялари сотувга қўйилмасдан, 3-4 ойгача ушлаб турилиши мумкин эди.

Янги тартибга кўра брокерлар зиммасига муайян масъудият юкланади ва улар қимматли қоғозларни ўз вақтида сотишлари ёки бошқа брокерларга беришлари керак. Натижада қимматли қоғозларни савдога қўйиш ва сотиш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Тартиб қабул қилингунича савдоларда қарийб бир миллион сўмлик акция сотилган бўлса, ҳозир бу рақам 70 миллион сўмга етди.

Фаолиятнинг жадаллашуви кўп жihatдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан боғлиқдир. Ушбу ҳужжат чет эллик инвесторлар ҳам қимматли қоғозлар бозорида иштирок этишини рағбатлантиради. Улар қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш учун маҳаллий ишбилармонлар сингари ҳуқуқларга эга бўладилар. Ҳозирга қадар улар акциялаштиришда иштирок этиши чеклаб қўйилмаган бўлса-да, бундай фаолиятни тартибга солиб турувчи ҳужжат ҳам йўқ эди, корхоналар билан бевосита шартнома-лар тузиш амалиётидан фойдаланиларди. Масалан, "Ўзбатинодас-три" компаниясининг чет эллик иштирокчилари тамаки саноати акцияларининг 51 фоизини шартнома бўйича сотиб олди, "Ўзитал-мотор"да эса акцияларнинг 70 фоизи италиялик ҳамкорларга тегишли. Энди эса чет эллик табир-корлар корхона акцияларини фонд биржасида танлашлари ва сотиб олишлари мумкин. Даромадларни репатриациялаш муаммоси ҳал этилгани, яъни чет

эллик инвестор даромадларнинг ўзига тегишли қисмини эркин конвертациялаши ва мамлакатимиздан олиб чиқиб кетиши мумкинлиги ҳам уларни жалб қилади. Шу боис республика Президентининг Фармонида тегишли идораларга қисқа муддатларда чет эллик эмитентлар мамлакатимиз ҳудудида иш олиб бориши тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида топшириқ берилган. Бу чораларнинг барчаси чет эллик ишбилармонларда йирик корхоналарнинг акцияларини сотиб олишга қизиқиш уйғотмоқда. Россия бундан айниқса манфаатдор. Чунки Россия саноатининг кўпгина тармоқлари республикаимиз иқтисодиёти билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатларнинг биржалари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Ҳозир савдода қатнашиш учун Ливерпульга бориш шарт эмас. Замонавий коммуникация воситалари буни жойининг ўзида қилиш имконини беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ республика фонд биржасини SWIFT халқаро алоқа тизими-га улаш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилиняпти. Унинг техник имкониятлари ёрдамида Тошкентнинг ўзида туриб жаҳондаги ҳар қандай биржа савдосида иштирок этиш мумкин.

Ушбу Фармон иқтисодий ислохот жараёнига аҳоли кенг қатламларини янада кўпроқ жалб этиш имконини беради. Шу туфайли меъсрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини яратиш, биржалар ишини тартибга солиб, мувофиқлаштириб туриш вазифаси ягона орган зиммасига юклатилиши тўғри бўлур эди.

Аввал бу масалалар билан асосан Молия Вазирлиги, бошқа маҳкамалар шуғулланарди. Энди ягона орган -Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси ташкил этилди. Бу комиссия мустақил равишда қарорлар қабул қилиши, меъсрий ҳужжатларни тасдиқлаши мумкин бўлган, тегишли ваколатлар олган мустақил давлат органидир.

МДХ давлатлари орасида фақат Ўзбекистонда хусусийлаштиришдан тушган даромад давлат бюджетига қўшилмайди. Бу маблағларнинг ярми тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган "Бизнес-фонд", 20 фоизи хусусийлаштирилган корхоналарнинг ўзини қўллаб-қувватлаш ва техник ривожлантириш учун берилади, яна 20 фоизи эса хусусийлаштирилган объект жойлашган минтақанинг ихтиёрида қолдирилиб, ижтимоий-иқтисодий мақсадларга, шу жумладан кам таъминланган оилалар учун уй-жой қуришга, газлаштириш ва электрлаштиришга, қишлоқ жойларни ичимлик суви билан таъминлашга сарфланади.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТИЖОРАТ БАНКИДА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ МУМКИН

Тадбиркор аввало ўзи ҳисоб-китоб варағи очишга мўлжалланган тижорат банки муассасасини танлаши лозим.

Ҳар бир тадбиркор (ёки филиал) фақат битта ҳисоб-китоб, жорий ёхуд бюджет ҳисобварағига эга бўлиши мумкин.

Ҳисоб-китоб варағини ўз пул маблағлари ва мустақил балансига эга тадбиркор оча олади.

Корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилишидан олдин тадбиркор дастлабки бадалларини қўйиш учун муваққат ҳисоб-китоб варағи очиши керак. Бунинг учун Тижорат банкига муваққат ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда корхонани ташкил этиш фаолиятини олиб бориш тартибини белгилувчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтиш расмийлаштирилганидан кейин тадбиркор ҳисоб-китоб варағи очиш тўғрисида ариза, давлат рўйхатидан ўтилгани тўғрисидаги ҳужжат, рўйхатга олингани тўғрисида солиқ органи берган маълумотнома, зарур ҳолларда эса, фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланиш учун берилган лицензиянинг, Уставнинг, шунингдек тадбиркор ва бош бухгалтер имзо намуналари қўйилиб, муҳр изи туширилган варақчанинг нотариус тасдиқлаган нусхаларини банкка тақдим этади.

Ижарачилар ва деҳқон ҳўжаликлари ҳисобварақ очиш учун банкка ижара шартномаси ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат нусхаларини топширади.

Тадбиркорнинг аризасига банк раҳбари рухсат берувчи устхат ёзданидан кейин ҳисобварақ очилади.

Тадбиркорнинг нотариус расмийлаштирган ишончномаси асосида унинг ҳисобварағини бошқа шахслар тасарруф этишлари мумкин.

Ўзи билан бир ерда жойлашмаган алоҳида ҳўжалик ҳисобидаги бўлинмалари (дўконлари, омборлари, филиаллари ва бошқа шу кабилари) бор тадбиркор

ҳўжалик ҳисобида ишламайдиган ўз бўлинмаларининг тушумини қўйиш ва ҳисоб-китоблар қилиш учун улар жойлашган манзилдаги бошқа тижорат банкларида илова ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақлар очиши мумкин.

Аниқ мақсадларда фойдаланиш учун республика ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилган тадбиркорларга бюджет ҳисобварақлари очилади.

Тадбиркор ҳисобварақ очиш учун тақдим этган ҳужжатлар тижорат банкида ҳисобварақни расмийлаштириш йиғмажилдида сақланади. Фақат имзолар ва муҳр изи намуналари қўйилган варақча бундан мустасно бўлиб, у масъул ижрочида (назоратчида) туради.

Корхона қайта ташкил этилиши (қўшиб юборилиши, бирлаштирилиши, бўлиниши ёки ажратилиши) муносабати билан ҳисобварақ қайта расмийлаштириладиганда улар ҳисобварақ очилаётганда топширилгани каби ҳужжатларни тақдим этади.

Корхона қайта ташкил этилмасдан, фақат номи ўзгарган ҳолларда ҳисобварақ эгаси ўзгаришлар тўғрисида банкка ариза беради ва имзолар ҳамда муҳр изи намуналари қўйилган янги варақча расмийлаштирилади.

Ҳисобварақ эгасининг фаолият тури ўзгарганда янги Устав (низом) нусхаси топширилади.

Бу ҳужжатлар расмий қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида банкка тақдим этилиши лозим.

Бошқа банк хизматидан фойдаланишга ўтадиган тадбиркор камида икки ой олдин унга хизмат қилаётган ва энди хизмат қиладиган банк муассасаларига бундан маълум қилиши зарур. Ҳисобварақ бошқа банкка ўтказилаётганда айни пайтда ҳисобварақни расмийлаштиришга доир барча ҳужжатлар рўйхат бўйича топширилади.

Тадбиркорларнинг ҳисоб-китоб ва жорий ҳисобварақлари қуйидагилар асосида ёпилиши мумкин:

ҳисобварақ эгасининг аризасига кўра;

туғатилиш чоғида;

давлат инспекциясининг қарорига мувофиқ;

12 ой мобайнида ҳисобварақда маблағ бўлмаган ва унга ҳеч нарса ёзилмаган ҳолларда.

Ҳисобварақ ёпилганда банкка солиқ инспекциясининг корхона молиявий аҳволи тўғрисидаги далолатномаси топширилади.

Ҳисобварақ эгаси қонунларга ҳамда Марказий банкнинг ҳисоб-китоб, жорий ва бюджет ҳисобварақлар бўйича операцияларни тартибга солиш қоидаларига амал қилиши шарт.

ТИЖОРАТ БАНКИДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КРЕДИТ ОЛИШ МУМКИН

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарз олишни истовчи тадбиркор ўз ҳисоб-китоб варағи очилган жойдаги тижорат банкига мурожаат қилиши лозим.

Кредитни банклар тижорат-шартнома асосида, кредитнинг таъминланганлиги, муддатлиги, фойзлиги ва қайтарилиши принципларига амал қилган ҳолда беради.

Қарзни расмийлаштириш учун тадбиркор ўз банкига кредит қандай мақсадлар учун сўралаётгани кўрсатилган ариза, сўнгги ҳисобот даври учун баланс, кредитланадиган тадбирдан олиш қўйилган самара хомчўти ҳамда кредит ўз вақтида қайтарилиши юзасидан мажбуриятнома (гаров, вексел, кафолат, кафиллик, суғурта гувоҳномаси ва бошқалар)ни топширади.

Кредитни қайтаришга доир мажбуриятлар бир ёки бир неча шаклда таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кредит шартномаси тузилаётган даврда расмийлаштирилади ва банкка тақдим этилади. Мазкур кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлигини банк белгилайди. Бунда кредит суммаси гаровга қўйилган мулк қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги, кредитни узиш муддати эса кафиллик ёки кафолат муддати тугашидан 10-15 кун олдин тугайдиган қилиб белги-

ланиши лозим.

Тижорат банки миқдорнинг молиявий аҳволини, кредитни қайтара олиш қобилиятини таҳлил қилиш асосида ва тақдим этилган кафолатларга қараб, унга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Кредитлаш билан боғлиқ барча масалалар тадбиркор ва банк томонидан кредит шартномаси асосида ҳал қилинади. Ушбу шартномада томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва иқтисодий жавобгарлиги белгилаб қўйилади.

Шартномада, қанда тартиқасида, кредитдан қўзланган мақсад ва унинг суммаси, уни бериш ва қайтариш шартлари ва тартиби, қарз олувчининг гаровга доир мажбуриятлари, кредит учун фойз ставкаси миқдори ва фойзларни тўлаш тартиби, банкнинг кредитлаш пайтидаги вазифалари ва бошқа аниқ шартлар кўзда тутилади.

Банк билан қарз олувчи ўртасидаги кредит шартномаси томонларнинг келишувига биноан муайян муддатга тузилади.

Кредит, қанда тартиқасида, нақд пулсиз тартибда берилади. У Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда фуқаролар билан ҳисоб-китоб қилиш учун нақд пулда берилиши мумкин.

Берилган кредитлар уларни бир йўла ёки бўлиб-бўлиб қайтаришнинг конкрет муддатлари белгиланган мажбуриятномалар билан расмийлаштирилади.

Кредитлаш жараёнида банк қарз олувчининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ҳамда у кредит шартномасида қандай бажараётганини назорат қилиб туради. Зарурат туғилса, банк кредит муносабатларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳисоб-китобларга доир ўз мажбуриятларини бажармаётган қарздорни банк тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуот орқали хабар бериши мумкин.

ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИДАН

ФРАНЦИЯДА БАНК ХИЗМАТИ

“Тез ва пухта ишлайлик!” сўзларини миқдор орттириш учун бошқа банклар билан рақобат қилишга мажбур бўлган француз банкларининг шiori, деб ҳисоблаш мумкин.

Масалан, улар миқдорларнинг турли хил товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишига имкон берадиган пластик кредит картчакларини тарқатишга алоҳида эътибор беришади.

Мамлакатда эса умуман 20 миллионга яқин турли хил тўлов картчаклари мавжуд. Уларда нақд пулсиз ўтказиладиган барча операцияларнинг 13 фоизи бажарилади. Банк бўлимлари билан боғланган, “пластик пул” эгаларининг жорий ҳисобварақларида ёзилган маблағларнинг етарли-етарли эмаслигини текширадиган, булардан тўланиши лозим бўлган суммаларни ҳисобдан чиқарадиган ва чек берадиган юзлаб аппаратларни учратасиз. Улар дўконларда, ресторо-нларда, барларда, маиший хизмат корхоналарида ўрнатилади. Кредит пластик картчка эгаси пуллик йўллардан ўтиш ҳақини дарҳол тўлашда, автомобилни бензин билан тўлдириб олишда ундан бемалол фойдалана олиши мумкин.

Пластик картчкага эга бўлмаган ёки уни ўзи билан бирга олиб юрмайдиган киши чек воситасида ҳисоб-китоб қилиш ҳам мумкин. Французларнинг 35 фоизи камида иккита чек дафтарчасига эга. Францияда банк миқдори жорий ҳисобварақ бўйича фойз ҳақи олмайди, лекин банк ҳам операцияларнинг кўпчилигини, жумладан, чеклар билан бажариладиган операцияларни миқдордан воситачилик ҳақини олмасдан бажаради. 500 франкдан зиёд миқдордаги ҳи-

соб-китобларининг 80 фоизи чек билан ҳисоб-китоб қилинади.

Банкда ҳисобварақ очиш тартиби жуда оддий: банк хизматчисига шахсий гувоҳнома ва миқдорнинг доимий турар-жойига эгаллигидан далолат берадиган ҳужжат тақдим қилинса бас. Ҳатто электр ҳақи тўлаганлик ҳақидаги квитанция ҳам шундай ҳужжат ўрнида ўтади. Сўнгги миқдорга қисқа бир сўровнома (унда кўрсатиладиган барча маълумотлар махфийлигича қолади) тўлдириш таклиф қилинади ва компьютер ёрдамида ўтказиладиган қисқа мулоқотдан сўнг унга банкда очилган ҳисобварағи рақамини айтишади.

Ҳар қандай банкда юзма-юз суҳбатлашиб турган кишиларни учратишингиз мумкин. Банк хизматчилари сармояни инфляциядан эҳтиёт қилиш учун уни қандай жойлаштириш, даромадларнинг кўпроқ қисmini иложи борида солиқлардан (қонун доирасида) қай тарзда ҳимоя этиш, уй-жой ёки автомобил харид қилиш учун қачон кредит олиш ва янги қимматли қоғозлар сотиб олиш лозимлиги кабилар ҳақида миқдорга маслаҳат беришади. Агар миқдор жорий ҳисобварағида турган маблағни ишлатгиси келмаса, ўз пулларини жамғарма банкка қўйиши мумкин. Масалан, 1992 йил охирида бундай банклар йилга 4,5 фоиздан фойда пули тўлашди. Муддатли ҳисобварақ бўйича қўйилган маблағлар уч ойгача муддатга ёпиб қўйилади, омонатчига эса ойига 4,5 фоиздан фойз ҳақи тўланади. Миқдорга жамғарма ҳисобварақларининг бошқача турлари ҳам таклиф қилинади.

Энг юқори миқдори 15 минг франк бўлган саноатни ривожлантириш ҳисобварағи бўлган миқдорлардан фойзлар бўйича солиқ олинмайди.

Сармоя жойлаштиришни хоҳловчи-

ларга пулларини банкда сарфлашнинг мингта яқин шаклини таклиф қилишади. Масалан, фақат “Креди агриколь” банкида биржада катировка қилинадиган қимматли қоғозларнинг 21 тури бор. Сармояни ихтисослашган тарзда сарфлашнинг ҳам кўплаб шакллари, масалан, қўшимча равишдаги пенсия таъминоти бўйича ҳисобварақ очиш тури мавжуд.

Ҳозирги пайтда Францияда 10 автомобилдан 7 таси, ҳар учта телевизордан биттаси, 5 та электр асбобидан 2 таси кредитга харид қилинади. Кредитга бериладиган маблағларнинг деярли ярми банкларга тўғри келиб тушади, иккинчи ярми эса ўзаро ёрдам кассаси ва ширкатлар ихтисослашган молия муассасалари, жамғарма касса ва ҳоказоларнинг кредитларидан ташкил топади. Истеъмол буюмларини харид қилиш учун банк кредитининг қиймати ўтган йил охирида 24,4 фоиздан иборат бўлди. Банклар кредит учун фойзини бозор конъюнктурасига боғлиқ ҳолда, тебраниб турадиган базавий ставкадан (тахминан 9,5 фоиз) келиб чиқиб, эркин равишда белгилайди.

Францияда 400 дан зиёд банк бор, уларда қарийб 245 минг киши, 10 мингдан ортиқ операцияни бўлим ишлайди. Чет эл банк муассасаларининг мамлакатда иш олиб борадиган ва миллий тартибларга бўйсунадиган кўп сонли шохобчаларини ҳам қўйиш лозим. Банк фаолиятини юритиш учун руҳсатнома Франция кредит муассасалари қўмитаси томонидан берилади. Қўмитага Франция банкнинг бошқарувчиси ва Қўмитанинг тўрт аъзоси - мамлакатдаги энг обрўли банк вакиллари раҳбарлик қилади.

Ҳуқуқий мақоми нуқтаи назаридан Франция банкларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга “соф банклар”, яъни юридик жиҳатдан

олганда тижорат ёки ҳиссадорлик жамиятлари, коммандит ширкатлари ёки жамоатчиликлари жамиятлари киради. Бундай муассасаларнинг ҳаммаси албатта Франция банклари уюшмаси (ФБУ) таркибига кириши лозим. Уюшма доирасида бутун тармоқ ҳодимлари учун жамиятчилик меҳнат битимлари ишлаб чиқилади. Кооператив банклари, ўзаро ёрдам кассалари, “халқ банклари” ва шу кабилар иккинчи гуруҳни ташкил этади.

Соф банк ва кредит муассасалари орасида бир неча гуруҳ алоҳида ажралиб туради. Аввало, булар давлатнинг “Банк насьонал де Парк” (1991 йилдаги йиллик обороти - айланмаси - 1,429 млрд франк) “Креди Лионне” (1,216 млрд франк) банклари сингари гоёт улкан банклардир. Уларнинг ҳар бири бошқа барча операциялардан ташқари, биржа операцияларида фаол қатнашади, номолиявий соҳаларда (кўчмас мулк билан операциялар, ахборот, маслаҳат хизматлари, аудит ва бошқалар) иш олиб боради. Уларга яқин турадиган ва “умумий йўналишдаги катта банклар” (яъни бирон соҳага ихтисослашмаган) тоифасига кирадиган бир неча йирик банклар ҳам фаолият тури бўйича шу банкларга ўхшаб кетади. Улар фаолият миқдори жиҳатидан энг йирик уч банкдан пастроқ поғонада туради. “Эндосюза”, “Париба”, “Креди комменсьель”, “Креди дю Нор” каби банклар шу гуруҳга киради.

Ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга банк муассасалари гуруҳи ҳам мавжуд. Унга 60 га яқин миқдорда ва маҳаллий банклари киради, буларнинг ҳар бири Франциянинг бир ёки бир неча миқдорасида иш олиб боради. Улар асосан майда, ўрта корхоналар

Жамият, иқтисодиёт, бутун турмуш тарзимиздаги ўзгаришлар ўзимиздан ҳам ўзгаришлар бўлишини талаб қилади ва шу боис янада мураккаброқ туюлади.

Тақдирнинг кескин бурилишларига, рақобатга кўникиб қолган америкаликлар бундай вазиятни “даъват” сўзи билан ифодалайдилар.

Бундай вазиятга бас келиш учун янги билимларни эгаллашимиз, улардан амалиётда фойдаланишни ўрганишимиз, мулоқот илми ва санъатини, ахлоқ-одоб қоидаларини ўзимизга синдиришимиз лозим.

Амалда бизнес сахнасида ягона орган сифатидаги фирманинг одоб-ахлоқи ва фирмадаги

кор қилиш, ишонч асосида олинган маълумотдан фойдаланиш, миллий, ирқий ва диний масалаларда олдиндан салбий фикрда бўлиш кабилар одоб-ахлоқ меъёрларида ман этилган хатти-ҳаракат турларига кирди.

Ҳар бир киши ўз ишида дун келиши мумкин бўлган ахлоққа оид жумбоқлардан бир нечасини мисол келтирмоқчиман:

- Сиз айрим ҳамкасбларингиз шахсий масалалар юзасидан ишхонадаги телефонда бошқа шахарлар билан гаплашаётганини кўрдингиз, дейлик, сиз ҳам шу ишни қилишингиз мумкинми?

- Сиз ишхонага тегишли нарсадан шахсан фойдаланиш ва уни уйингизга олиб кетиш имконига

ши, муассаса обрўсини тушириб юбориши мумкин, деган фикрга сиз ҳам қўшилсангиз керак, албатта. Хизмат кўрсатиш маданияти паст бўлгани учунгина мижоз ўз ҳисобварағини бошқа банкка ўтказмоқчи бўлган ҳоллар бизга маълум. Мижозни йўқотиш эса фойдадан маҳрум бўлиш, рақобатбардошлик қобилиятини йўқотиш демакдир. Бу ҳақда чуқур ўйлаб кўриш керак бўлади...

Банк ичида банк хизматчиси мулоқот қиладиган уч соҳани фарқлаш мумкин:

- бўлинмалар ва хизматлар ичидаги, жумладан раҳбар билан ходим орасидаги муносабатлар;

қилиш кишиларни таҳқирламасдан ва хафа қилмасдан, уларга таъсир ўтказиш имконини беради. Китобда қуйидаги масалалар юзасидан тавсиялар берилган:

- агар танбеҳ бермоқчи бўлсангиз, гапни нимадан бошлаш керак;
- ўзингизга нафрат уйғотмасдан қандай танқид қилиш мумкин;
- ҳеч ким ўзига буйруқ беришларини ёқтирмайди;
- одамларни муваффақият қозонишга қандай илҳомлантириш мумкин;
- кишиларнинг обрўсини оширинг;
- одамлар сизнинг истагингизни иштиёқ билан бажаришга қандай эришиш мумкин.

У шундай деб таъкидлайди: одамларни эътибор бошқаради. Қаноатлантирилган ғурур кишининг куч-ғайратини оширади. Рағбатлантириш усули муваффақият қозонишингизда ёрдам беради.

Китобда банк хизматчисининг мижозлар ва ташриф буюрувчилар билан муносабатларидаги одоб-ахлоққа доир саволга ҳам жавоб бор: башарти фирмалар ва хизматларни реклама қилишга катта маблағ сарфланаётган бўлса, нахотки, ишбилармон ўз хизматчиларининг одоб-сизлиги оқибатида даромади камайишига йўл қўйса?

Биз ўз даромадларимиз ҳақми мижозлар билан қандай ишлашимизга бевосита боғлиқ эканини яхши англаб олишимиз лозим. Биз унинг ҳисоб-китоблардаги, кредитлаш борасидаги молиявий қийинчиликларини тугатишдан манфаатдор бўлишимиз керак. Унинг тўловга лаёқатсизлиги, картотекага тушиши ва қарзларни муддатида тўламаслиги бизга мутлақо керак эмас. Биз у кўрадиган фойда кўпайгани ва оборотлари ошгани бизга маъқулроқ, зеро даромадимиз ҳам ана шунга боғлиқдир. У бизга қанчалик муҳтож бўлса, биз ҳам унга шунчалик муҳтожмиз. Биз мижозга ўз вақтида, саводлилиқ ва ҳушмуомалалиқ билан хизмат қилишдан манфаатдормиз. Ана шу - биз гуллаб-яшнашимиз кафолатларидан биридир.

Учинчи масала - эркак билан аёл ўртасидаги хизмат муносабатлари одобига келса: бу муаммони ҳар бир хизматчининг ўзи мустақил ҳал қилгани маъқул. Энг муҳими, бу муносабатлар ҳам кайфиятимиз ва даромадимиз кўтарилишига хизмат қилса бўлгани.

Елена ЧЕЛУХОВА

БАНК ХИЗМАТЧИСИНИНГ ОДОБИ НИМА?

хизматчиларнинг одоби мавжуд. Хизматчилар одобига Ғарбда жуда катта эътибор билан қаралади. Раҳбарлар ва оддий ходимларнинг одобли хатти-ҳаракатлари тавсифини ошириш мақсадида қўлланиладиган чораларга қуйидагилар кирди:

- одоб меъёрларини ишлаб чиқиш;
- одоб-ахлоқ кўмиталарини ташкил этиш;
- ижтимоий тафтишлар ўтказиш;
- одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш.

Масалан, “Ай Би Эм” фирмаси қуйидаги одоб қоида-қоида рийа этади: у “Ўзининг ҳар бир ходимдан ҳар бир ҳолатда бизнес юритишнинг олий андозаларига мувофиқ ҳаракат қилишини кутади”.

“Сан Бэнкс” компанияси ўз фаолиятини қуйидагича олиб боради:

“Сан Бенкс” компаниясининг вазифаси фуқаролар ва корхоналарга юксак профессионал ва одоб андозаларига мос келадиган ҳажмда сифатли банк хизматлари кўрсатиш йўли билан ўзи хизмат қилаётган ҳамжамиятлар иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигига ёрдам беришдан, компания ҳиссдорлари адолатли ва тегишлича фойда олишларини, компания ходимларига адолатли муносабатда бўлинишини таъминлашдан иборатдир”.

Одатда пора, совғалар бериш, таъмагирлик, ғайриқонуний равишда олинган пулларнинг бир қисмини ўз ҳамтовоғига узатиш, манфаатлар зид келганда можаро кўтариш, умуман қонуларни бузиш, товламачилик, компания сирларини ош-

эгасиз, дейлик. Сиз бу имкониятдан фойдаланиб қилишингиз керакми?

- Эркак раҳбар йўлакда ўз бўлимидаги аёл ходимга йўл бериши керакми?

- Ким биринчи бўлиб салом бериши лозим?

Ана шу саволларнинг барчасига ахлоқ меъёрларида аниқ-пухта жавоблар берилган. Бунинг устига сўнгги саволга Ғарбда ҳамма: “Ким ақллироқ бўлса, ўша биринчи бўлиб саломлашади”, - деб жавоб беради.

Одатда ташкилотлар одоб-ахлоқ меъёрларини ходимларига ёзма материал кўринишида тарқатадилар, баъзи жойларда ахлоқ меъёрлари бўйича ишчи ғуруҳлар тузилади.

Айрим ташкилотлар одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан кундалик амалиётни баҳолаш учун доимий кўмиталар тузадилар. Бундай кўмиталарнинг деярли барча аъзолари юқори даражали раҳбарлардир. Чунки кенг маънода “хўжайин нима қилаётгани ва ўзини қандай тутаётган” ходимларга таъсир ўтказадиган асосий омилдир. Одобли раҳбар ўз ходими ахлоқига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ходим ишга қабул қилинаётганда ташкилий ахлоққа доир махсус тестлардан фойдаланилади ва унинг якунларига кўра қуйидаги тавсифлар берилиши мумкин:

- ахлоқ даражаси юқори;
- ахлоқ даражаси мақбул;
- ахлоқ даражаси ўртача;
- маънавий баркамолликка интилиши керак.

Энг саводли хизматчи ҳам ўзининг одобсиз хатти-ҳаракатлари билан мижознинг кўнглини қолдири-

- мижозлар ва ташриф буюрувчилар билан мулоқот;

- эркаклар билан аёллар орасидаги мулоқот.

Бўлинмалар ва хизматлар ичида одамлар бир-бирлари билан яхши ёки ёмон муносабат-далигига, қариндош ёки бегона эканига, жинсига қараб эмас, балки касб малакасига қараб тўпланади. Бу ердаги муносабатлар қабул қилинган муштарак қарорларни амалга ошириш ёки бўлима олдига қўйилган вазифаларни биргаликда бажариш иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Бу ўринда кўп нарсга жамоадаги умумий муҳитга, муҳит эса кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ.

Ҳар қандай даражадаги раҳбар билан ходим ўртасида ўзаро тўғри муносабатлар қарор топишининг энг муҳим шартларидан бири унинг мутахассис ва инсон сифатидаги обрўсидир. Раҳбар ўз касбини ниҳоятда яхши билиши, ҳушмуомала, одобли, меҳрибон, сезгир, эътиборли, ўз ходимларини яхши биладиган, объектив ва албатта, маданиятли бўлиши керак.

Ғарб ишбилармонлари кишиларнинг хизматдаги туриш-турмушини жиддий ўрганишга аллақачон киришганлар. Америкадаги инсоний муносабатлар соҳаси мутахассиси Дейл Карнегининг маърузалари бунга ёрқин мисолдир. Ўзининг “Одамлар билан қандай мулоқотда бўлиш керак” деган китобида у бир қанча қоидаларни баён этган. Бу қоидаларга амал

Боши 6-бетда

а бевосита аҳолига хизмат кўрсатишади. Банкларнинг бошқа бир гуруҳи (улар 40 га яқин) ихтисослашган тарзда маблағ билан таъминлаш, асосан кўчмас мулк ҳисобига кредит бериш билан шуғулланади. Тахминан 20 га яқин савдо банкидан иборат яна бир гуруҳ бор, булар банклараро битимлар тузиш, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш кабилар билан шуғулланади.

Банк муассасаларининг иккинчи энг йирик тоифаси миллий ёки минтақавий миқёсда ишлайдиган ва турли бирлашмаларга қарашли бўлган кооператив банклари, жамғарма кассалари, ўзаро ёрдам кассаларидир. Мамлакатдаги барча операцион бўлимларнинг 60 фоизи, жорий омонатлар умумий ҳажмининг 29 фоизи, кредитларнинг 24 фоизи кооператив банкларга тўғри келади. Улар “соф банклар”дан жиддий фарқ қилади. Масалан, жамғарма кассаларининг катта қисми фақат бир департаментда фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиб, майда омонатчиларнинг улардаги улуши катта. Ҳиссдорлар жамияти ҳисобланадиган, акцияларининг 90 фоизи маҳаллий фермерлик кассаларига ва 10 фоизи - банк хизматчиларига тегишли бўлган энг катта банклардан бири - “Креди аграр” ана шу тоифага кирди. Бу банк аграр секторда етакчи ўрин тутди, мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасидаги молиявий операцияларнинг 85 фоизини бажаради. Ўйлаб шохобчалар тармоғига ва катта сармояга эга бошқа кооператив банк муассасалари қаторига Франциянинг тўққизинчи банки бўлган “Групп де банк популер” халқ банклари бирлашмаси ва ўзаро ёрдам кассалари таъкилотига тегишли “Креди мютуэль” банки (11-ўрин) ҳам кирди.

Юрий Викин,

“Бизнес и банки”, 1993 й.

МАМЛАКАТДАГИ
ОБОРОТНИНГ
60%
ОМОНАТЛАР
УМУМИЙ
ҲАЖМИНИНГ
29%
КРЕДИТЛАР
НИНГ
24%
КООПЕРАТИВ
БАНКЛАРГА
ТЎҒРИ
КЕЛАДИ

ОБУНА - 96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна “Матбуот уюшмаси” агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги “п.в.” - “жойи” деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва “Матбуот уюшмаси” агентлиги ходимлари тўлғазилади.

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

ТАШКИЛИЙ АХЛОҚ СИНОВИ

Кундалик бизнесдаги кўпгина вазиятларни тўғри ёки нотўғри деб осонгина тавсифлаш қийин. Улар кўпроқ шу икки тушунча оралиғида бўлади.

Куйида "поиллий синов" саволлари берилган. Унда XX аср Америка фуқароси дуч келадиган маънавий жумбоқлар мажмуи намоён этилган. Шу саволлар ёрдамида ўзингизни синаб кўринг. Кўпроқ балл олинган интиланг. Масаланинг моҳияти бунда эмас. Шунчаки саволларга жавоб бериб, натижани ҳисоблаб кўринг.

Куйидаги вазиятларда ўз қадриятларингиз тизимини биз таклиф этаётган кодлардан фойдаланиб белгиланг:

мутлақо кўшиламан - МҚ;
кўшиламан - Қ;
кўшилмайман - ҚМ;
мутлақо кўшилмайман - МҚМ.

1. Ходим ўзи йўл кўйган хатолар ҳақида раҳбариятга хабар беришини кутмаса ҳам бўлади.

2. Раҳбарда иш манфаатини кўзлаб, уддалаш учун шартнома талабларига риоя этмаслиги ва хавфсизлик қоидаларини бузиши лозим бўладиган ҳолатлар учраб туради.

3. Ҳар доим ҳам ҳисобот учун чиқимлар тўғрисидаги маълумотларни очик-ёриқ бериш шарт эмас, баъзан тахминий рақамларни кўрсатиш зарур.

4. Баъзан нохуш маълумотни бошлиқлардан яшириш керак бўладиган ҳолатлар юзага келади.

5. Гарчи қилаётган ишимиз тўғрисида шубҳалансак ҳам, раҳбарларимиз айтган ишни бажаришимиз шарт.

6. Иш вақтида баъзан шахсий ишлар билан шугулланиб туриш зарур.

7. Агар ходимлар саъй-ҳаракатини кучайтиришда ёрдам берса, психологик жиҳатдан баъзан нормадан ошқроқ вазифалар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Буюртмага эга бўлиш учун у қайси санада юборилиши "мақбуллигини" ошкор қилган бўлардим.

9. Ишхона телефонидан хизмат юзасидан ҳеч ким фойдаланмаётган пайтда шахсий мақсадларда фойда-

ланса бўлади.

10. Раҳбарият арзигулик пировард мақсадни кўзлаши лозим.

11. Катта фойда келтирадиган битимни имзолаш учун зиёфат қилиб бериш ёки компания сиёсатидан бироз четга чиқиш керак бўлса, бунга рухсат бераман.

12. Компания сиёсатини ва мавжуд йўриқномаларни бузмай туриб яшаб бўлмайди.

13. Товар захираларини назорат қилишга доир ҳисоботларни "ортиқча" товарлар кўзга ташланмайдиган қилиб тузиш керак.

14. Компаниянинг нусха кўчириш машинасидан гоҳ-гоҳ шахсий мақсадларда фойдаланишса бўлаверади.

15. Компаниянинг мулки (қалам, қоғоз, ёзув машинкасининг тасмаси ва шу кабилар)ни уйга олиб кетиш - кўшимча имтиёз деб ҳисобланиши мумкин.

ЖАВОБЛАРИНИНГ БАЛЛДАГИ БАҲОЛАРИ:

МҚМ - 0, ҚМ - 1, Қ - 2, МҚ - 3.

Агар тўплаган балларингиз куйидагича бўлса:

0 - Сиз авлиё деб эълон қилинасиз;

1-5 - Руҳонийликка муносибсиз;

6-10 - Ахлоқ даражангиз жуда юқори;

11-15 - Ахлоқ даражангиз мақбул;

26-35 - Маънавий баркамолликка интилишингиз керак;

36-44 - Шиддат билан жарликка қулайсиз;

45. Қимматли буюмларни ўзингиздан узокроқ тутинг.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Россия Федерацияси Марказий банкининг Илмий кутубхонасига куйидаги таржималар келтирилди:

Валютадаги ва чет эл операцияларини федерал тартибга солиш кодекси (АҚШ, 1987 йил, 56 бет. - Тарж. 2279, 2280).

АҚШ молиявий институтларининг турли ҳисоботларига, хусусан чет эл молия ҳисобварақлари тўғрисидаги, хорижий молия вакилликлари билан операциялар, валютани ташиш ҳақидаги ҳисоботларга қўйиладиган талаблар баён этилган. Банклар, дилерлик идоралари ва айирбошлаш пунктлари ҳисобини юритиши ва сақлаши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ва мазмуни берилган.

Франция банки мақоми, кредит муассасаларининг фаолияти ва бу фаолиятини назорат қилиш тўғрисидаги қонун (Франция, 1993 йил, 19 бет. - Тарж. 2281, 2282).


Франция банкининг асосий вазифалари, унинг тузилиши, ҳисоб бериш тартиби белгиланган қонун моддалари баён этилган. Кредитлаш миллий кенгашининг, Банк фаолиятини тартибга солиш кўмитаси, Кредит муассасалари кўмитасининг ҳамда Банк комиссиясининг фаолиятини тартибга солувчи қоидалар берилган.

Янги 5 долларлик банкнотлар (Австралия, 1992 йил, 7 бет. - Тарж. 2292, 2293). Австралиянинг пластикдан тайёрланган 5 долларлик банкнотлари тарихи ва уни чиқариш жараёни таърифланган. Австралиянинг 10, 20, 50 ва 100 долларлик навбатдаги банкнотларининг қисқача тавсифи ҳам берилган.

ОБУНА-96. "БАНК АХБОРОТНОМАСИ"

Ф. СП-1

		(нашр кўрсаткичи)									
газетасига ОБУНА		обуна сони									
1996 йил учун ойлар бўйича											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга				(манзил)							
(почта кўрсаткичи)											
Кимга				(Фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари)							

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ		(нашр кўрсаткичи)									
		п.в. жойи									
		(нашр номи)									
обуна	баҳоси	сўм	обуна сони								
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм									
1996 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга				(манзил)							
(почта кўрсаткичи)											
Кимга				(Фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари)							

"Банк ахборотномаси" - янги ва ҳозирча республикада молия ва банк фаолияти соҳасига ихтисослашган ягона газета. Газета ҳар ойда 2 марта чиқади.

Унинг саҳифаларида сиз янги ғоялар ишланмалари, таҳлилий мақолалар ҳамда малакали мутахассисларнинг шарҳлари, долзарб меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларнинг энг муҳим муаммолари тўғрисидаги маълумотлар, банк фаолияти ва бизнес соҳасида юз бераётган воқеалар билан танишасиз.

Газетага исталган ойдан ва исталган миқдордаги нусха учун обуна бўлиш мумкин.

ОБУНА ИНДЕКСИ

якка тартибдаги обуначилар учун:

ўзбек тилида - 64678

рус тилида - 64680

корхона ва ташкилотлар учун:

ўзбек тилида - 64679

рус тилида - 64681

ОБУНА БАҲОСИ

етказиб бериш харажатларини ҳисобга олмганда:

якка тартибда:

1 ой учун - 30 сўм

3 ой учун - 90 сўм

6 ой учун - 180 сўм

идораларга:

1 ой учун - 80 сўм

3 ой учун - 240 сўм

6 ой учун - 480 сўм.

БАНК
ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН
ВА ТАДБИРКОРЛАР
ГАЗЕТАСИ

"БАНК АХБОРОТНОМАСИ"

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ
ВА ДИПЛОМАТИЯСИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
"ЗАКОВАТ" ЖАМГАРМАСИ

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Зохид Собиров (Тахрир Кенгаши
нинг раиси),

Илҳомилла Тожибоев (Тахрир
Кенгаши раисининг ўринбосари),

Раҳмон Каримов,

Баҳодир Хужиев,

Михаил Нернер,

Борис Давидов.

БОШ МУҲАРРИР:

Раҳшон ОХУНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700029, Тошкент шаҳри,
Мустиқлик майдони,
2-уй, 407-хона

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМА ХАБАРЛАРИ УЧУН

39-49-22

телефони оркали
мурожаат қилинг.

"ТОШПОЛИГРАФКОМБИНАТ"

ижара корхонаси

Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30

Газета

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот кўмитасида
132 - тартиб рақами билан
рўйхатга олинган

Газета 1995 йил
январдан чиқа бошлаган

Маъсул муҳаррир:

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ
Буюртма № 6811

Нашр кўрсаткичи: 64678, 64679

Қўлзмалар тақриз қилинмайди ва
қайтариқмайди. Қўлтуриб босилган
"Банк ахборотномаси"дан олинган
курساتилган керак. Басилган
материаллар муаллифларнинг нусхаси
назарга олинишига нусхаси
назарига мос келмаслиги мумкин.

Газета "VIRTEC" қўлама корхонаси
тамомида тақдир этилган техника
ай жихазларда таъридан
ва саҳифиланди.

Офсет усулида, 2-босма табақ
ҳажмида босилди.